XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 8 - yanvar VI-30-9-3-0-K/22 Jizzax viloyati hokimligi

Жиззах вилоятида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича белгиланган минимал миқдорларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 м^2 учун 2022 йилга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича минимал миқдорларини муҳокама қилиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига мувофиқ Жиззах вилояти учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича белгиланган минимал миқдорларга киритилаётган камайтирувчи коэффициент 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бунда, юқорида 1-илова билан белгиланган минимал қиймат бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг қишлоқ жойларида кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида, вилоят халқ депутатлари Кенгаши белгиланган минимал қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов, вилоят Молия

бош бошқармаси (А.Рахматуллаев) ва вилоят Солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов)га 2022 йилги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш юклатилсин.

4. Мазкур қарор “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Қарор 2022 йил 1 январидан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-30-9-3-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 1 м^2 учун белгиланган минимал миқдорларга нисбатан киритилаётган камаювчи коэффициентлар

№	Шаҳар, туманлар номи	2022 йил учун		
		Солиқ кодексининг 412-моддасига асосан киритилган базавий ставка *(1 кв.м учун,. минг сўмда)*	**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (0,5-1,0)**	**Солиқ ставкасининг аниқ миқдори** *(1 кв.м учун, минг сўмда)*
1	Арнасой тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
2	Бахмал тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
3	Ғаллаорол тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
4	Шароф Рашидов тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
5	Дўстлик тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
6	Зарбдор тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
7	Зомин тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
8	Зафаробод тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
9	Мирзачўл тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
10	Пахтакор тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
11	Фориш тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
12	Янгиобод тумани	1 000,00	1,00	1 000,00